

олдини олишга имкон берди. Омбор зараркундаларининг кўпчилиги яширин ҳаёт кечириши ҳаммамизга маълум, шунинг учун юзаки қарашда сезилмайди.

Текшириладиган бинонинг мумкин қадар анча жойидан бир оздан ахлат ва тўкилган дон олиниб, лабораторияда текширилди.

Донга омбор зараркундалари тушганлигини, шунингдек, донда қана борлигини билгандан кейин уларнинг зарарлаш даражаси бир килограмм маҳсулотдаги зараркундалар сонига қараб, у б а л л и системада аниқланди.

Омбор зараркундаларининг зарарлаш даражасини аниқлаш учун қуйидаги шкала белгиланди:

I даражада бир килограмм донда 1-4 та тирик ва ўлик дон зараркундалар топилди; II даражада 6-10 та дон зараркундалари топилди; III даражада 10 тадан ортиқ дон зараркундалари топилди.

Омбор қанаси тушган бир килограмм донда: I даражада-20 тагача; II даражада 20 тадан ортиқ қана топилди; III даражада дон элангандан кейин каналар ғуж бўлиб юрганлиги аниқланди.

Бошқа омбор зараркундалари нечоғлик тушганлигини аниқлаш учун бир килограмм маҳсулотдаги зараркундалар саналди.

Омбор зараркундаларини к и м ё в и й ф у м и г а ц и я методи билан кураш чоралар олиб борилди. Бу иш тажрибали мутахассислар тамонидан олиб борилди, ва фумигация қилишдан олдин унинг даража ва эшикларини зич ёпиб, барча тешик-ёриқларини лой билан яхшилаб сувалди. Омбор зараркундаларига қарши қуйидаги препаратлар қўлланилди.

1-Бўш омборларга. ТИТАН 10% н.к.к. Препарати билан 0,1-0,2 г меъёрида 1 м кв.жойга 300 мл иш эритмаси сарфланиб нам ишлов берилди, Омбор атрофига 1 м кв.жойга 500 мл иш

эритмаси сарфланиб нам ишлов берилади.

2- Бўш омборларга. ТИТАН 10% н.к.к. Препарати билан 0,1-0,2 г меъёрида 1 м кв.жойга 300 мл иш эритмаси сарфланиб нам ишлов берилди, Омбор атрофига 1 м кв.жойга 500 мл иш эритмаси сарфланиб нам ишлов берилади.

Ишлов берилган омборларни Одамларнинг киришига ва маҳсулот жойлаштиришга 24 соат давомида шомоллатилгандан кейин рухсат этилади.

Барча омбор зараркундаларининг ривожланиши учун энг қулай шароит намликнинг ортиқ бўлишидир. Модомики шундай, экан, омборларда сақланаётган маҳсулотлардаги намликни камайтириш учун бинони шомоллатиб туриш лозим.

Омборда сақланадиган маҳсулотларни зараркундалардан сақлашнинг асосий чораси, омбор зараркундаларини янги биноларга ва тозаланган биноларга ўтиб қолмаслиги учун оқартирилади ва оҳак-керосин аралашмаси пуркалади.

Оҳак-керосин эмульсиясини тайёрлаш учун ҳар 10 л сувга 1 кг керосин, 4 кг чамаси сўндирилмаган оҳак қўшиб аралаштирилади. Бино шу аралашма билан қўлда оқартирилади; пуркаш учун эса аралашма суюқроқ қилиб тайёрланади ва ҳар 10 л сувга сўндирилмаган оҳак икки марта камроқ қўшилади; аралашмани пуркаш вақтида чўкадиган оҳак тез-тез чайқатиб турилади. Қўлда оқартирганда бинонинг 1 м² ерига 1 л аралашма ишлатилса, пуркашда 0,5 л аралашма сарфланади.

Н.КАРИМОВ,

ДДЭТИ Ўсимликларни ҳимояси ва агрохимё лабораториясининг кичик илмий ходими,

Х.ЭРГАШОВА,

ТошДАУ Андижон филиали Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари карантини кафедраси стажёр-тадқиқотчиси.

АДАБИЁТЛАР:

1. Олимов.Р.А. Энтомология Тошкент.1977 й 261-262 бет. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ Хўжалигида ишлатиш учун рухсат этилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати. Тошкент 2013 й.300-302 бетлар.

ЎУТ: 632.633.31.7.934

ДЕХҚОНЧИЛИК СИРЛАРИ

ЎСИМЛИКХЎР ҚАНДАЛАЛАР - МОШНИНГ АСОСИЙ ЗАРАРКУНАНДАСИ

Annotation: according to studies carried out in the Tashkent and Surkhondarya regions, alfalfa is the main harmful organism of worms: 42.7-48.4% of crops is the main crop and is twice as high as the second crop, on average 62.3-66.7% .

Аннотация: согласно исследованиям, проведенным в Ташкентской и Сурхандаринской области, люцерна является основным вредным организмом червей: 42,7-48,4% посевов является основной культурой и в два раза выше, чем повторной, в среднем 62,3-66,7 % .

Калит сўзлар: мош, ихтисослашган зараркунанда, беда қандаласи, дала қандаласи, ғўза қандаласи, зарарлаш даражаси.

Маълумки, кейинги йилларда республикада мош экиндан олинadиган маҳсулотларга бўлган эҳтиёж ва талаб кескин ортиб бормокда. Мош қўроқчиликка чидамли, ресурстежамкор экин, уни етиштиришда катта харажат талаб этилмайди. Мош тупроқ унумдорлигини яхшилайдиган, унинг илдизларида вегетация давомида азот тўпловчи бак-

териялар тўпланади. Вегетация даврида об-ҳавонинг қулай шароитларида у гектарига 200 кг миқдоргача азот тўплаши мумкин. Шунинг учун мош илдизларини ерда қолдириб, ерни ҳайдаш тавсия этилади.

Алмашлаб экиш тизимида мош яхши ўтмишдош экин ҳисобланади. Мош бошқа экинларга қараганда ҳозирги кунда



экспорт қилишга жуда қулай озиқ-овқат экини бўлиб, унинг пояси чорвачиликда тўйимли озуқа ҳисобланади, дони эса инсон учун анорганик ва органик моддаларга бойлиги ажралиб туради.

Олимларнинг тадқиқотларига кўра, мош экинида 29 турдан ортиқ зараркундаларнинг учраши кузатилган. Туганак узун-бурунлар, ўргимчакканалар, ғўза тунлами, илдиз кемирувчи тунламлар, ширалар, ғовак ҳосил қилувчи нўхат пашшаси, беда қандаласимоннинг асосий зараркундаларидир[1, 2, 3,4].

Мошда ҳозирги кунда қандалаларнинг 3 тури учраши кузатилди, булардан дала қандаласи - (*Lygus pratensis* L), беда қандаласи - (*Adelphocoris lineolatus* Goes) ва Сурхондарё вилояти шароитида ғўза қандаласи (*Creontiades pallidus* Rfmb.) ҳисобланади. Мош экинида зарар келтирётган қандалалар орасида кенг тарқалгани беда қандаласи бўлиб, у ўсимликнинг шоналаш ва гуллаш даврида гулдони сўриши натижасида гуллар тўкилиб кетади, дуккаклари тўлиқ ривожланмайди.

Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари шароитида 2018-2019 йилларда олиб борилган тадқиқотларимизда мош экинидаги қандалаларнинг турлари, тарқалиши ва зарарини ўргандик.

Тадқиқотларимизда ўсимликхўр қандалалар кучли зарарланган майдонларда мошнинг гуллари тўкилиб кетиши ва дуккаклари ҳосил бўлмаслиги кузатилди. Такрорий экин сифатида экилганда эса уларнинг зарари икки марта кўп бўлади. Бизнинг тадқиқотларда Тошкент вилоятида ўсимликхўр қандалаларнинг зарари асосий экин сифатида экилган мошда ўртача 42,7-48,4%, такрорий экин сифатида экилганда эса зарарланиш 62,3-66,7 % гача бўлиши кузатилди. Хулоса шуки, мош экинида ўсимликхўр қандалаларга қарши кимёвий воситалардан “Примаголд” 36% эм.к. 1,0 л, “БИ-58” (янги) 40% эм.к препаратларини қўллашни тавсия этамиз.

Ш.МАХМУДОВА, қ.х.ф.ф.д,
А.Т.ХОЛЛИЕВ, доцент,
ТошДАУ.



1-расм. Мош зараркундаларини ўрганиш юзасидан тадқиқотлар.

АДАБИЁТЛАР:

1. Алимжанов Р.А. “Дуккакли ва дуккакли дон экинларини зараркунда ҳашаротлар томонидан зарарланиши.” ЎзФА нашриёти.1968.
2. Полевщикова В.Н., Сорокина В.Н. “Вредители и болезни кормовых и зернобобовых культур.” Т. «ФАН». – 1967.- С. 85-100.
- 3.Хўжаев Ш.Т., Саттаров Н., Мусуев Д. “Ўзада ўсимликхўр қандалаларнинг зарари.”// “Агро кимё ҳимоя ва ўсимликлар карантини” журнали.-Тошкент, 2017.-№2.-Б. 35-37.
- 4.Холлиев А. “Дуккакли дон (нўхат, ловия, мош) экинларининг асосий зараркундалари” // “Агро илм” журнали.-Тошкент, 2014.-№ 4(32).- 45-46.

АНАЛИЗ И РЕЗУЛЬТАТ

РЕЗУЛЬТАТЫ ИССЛЕДОВАНИЙ БОЛЕЗНИ ПЕРСИКА МУЧНИСТАЯ РОСА В УСЛОВИЯХ АНДИЖАНСКОЙ ОБЛАСТИ

Благоприятные климатические условия нашей республики, возможность искусственного орошения и плодородия почвы позволяют возделывать различные фруктовые деревья и получать от них богатый урожай.

В настоящее время многие научные учреждения систематически работают над изучением биологии, агрономии и селекции плодов и овощей.

Садоводство является наиболее трудоемким сектором сельского хозяйства в стране. В настоящее время в республике созданы все условия для превращения садоводства и овощеводства в прибыльную отрасль. Внедрение научно обоснованных систем земледелия и

передовых технологий в хозяйствах, посадка новых и высокоурожайных сортов, постепенное осуществление экономических реформ в республике будет ключевым фактором нашего развития. [1. с55]

Согласно полученным данным, 35% урожая, выращиваемого во всем мире в год, теряется, из которых 14% приходится на долю болезней и вредителей. Кроме того, 20% урожая теряется при транспортировке и хранении. Повышение продуктивности садов и улучшение качества фруктов является одной из актуальных задач сегодняшнего дня. Одним из основных факторов повышения продуктивности садов является их защита от вредителей и